

**Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (МТРК) тизимида 2021 йил
давомида ижодий, кадрлар малакасини ошириш ва ходимларни ижтимоий
қўллаб-қувватлаш йўналишларида амалга оширилган ишлар
юзасидан ҳисобот**

Ижодий йўналиш бўйича:

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (МТРК) тизимида бугунги кунда «O‘zbekiston 24», «O‘zbekiston», «Yoshlar», «Sport», «Toshkent», «Mahalla» телерадиоканаллари ҳамда «Madaniyat va ma’rifat», «Dunyo bo‘ylab», «Bolajon», «Kinoteatr», «Navo», «Foreign Languages» (хорижий тиллар телеканали), «O‘zbekiston tarixi» ва юқори тиниқликка эга 4К форматдаги «Lux TV» телеканаллари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 13 та ҳудудий телерадиокомпаниялар шунингдек, uztv.tv интернет тармоғида кинофильмлар намойишга мўлжалланган «Kinoteatr», спорт трансляциялари учун «Sport TV-2» ва диний-маърифий йўналишдаги «Ҳидоят сари» каби интернет телеканаллари фаолият кўрсатмоқда.

Ўтган йили Компания томонидан иккита янги телеканални ишга тушириш бўйича иш олиб борилди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги «Foreign Languages» хорижий тиллар телерадиоканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 546-сон қарори бўйича 2021 йил 6 декабрдан бошлаб хорижий тилларга ихтисослаштирилган «Foreign Languages» хорижий тиллар телерадиоканалини тест режимида ўз фаолиятини бошлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 18 ноябрдаги «Тошкент вилояти телерадиоканалини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ-18-сон Қарори ижроси асосида Тошкент вилояти телерадиоканали – «Nurafshon TV» 2022 йил 17 январда тест режимида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

2021 йил телетомошабинлар учун муҳим бўлган яна бир йирик лойиҳа амалга оширилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-6084-сон Фармони билан белгиланган топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида, яъни тизимдаги ахборот-таҳлилий, маънавий-маърифий ва маданий-гуманитар телеканалларини хорижий давлатларда намойишини ташкил этиш мақсадида телерадиокомпаниянинг ОТТ платформасини (*Интернет тармоғи орқали теледастурларни намойиш этиш тизими*) яратиш бўйича кенг қамровли иш олиб борилди ҳамда барча марказий телеканалларни интернет тармоғи орқали жонли ва ёзувда мамлакатимизда ва хорижнинг исталган давлатида томоша қилиш имконияти яратилди ва ўтган йилнинг апрель ойидан бошлаб uztv.tv интернет тармоғида ОТТ платформаси ишга туширилди.

Мамлакатимизда ҳар бир соҳада бўлганидек, телевидениеда ҳам рақамлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги замонда фақат рақамлашган телевидение интернет тармоғида ҳам рақобатдош бўлиши ва ўз ўрнини сақлаб қолиши мумкинлиги тобора ойдинлашиб бормоқда. МТРК ОТТ платформаси айнан рақамлаштириш ва замон билан ҳамқадам, ҳамнафаслик маҳсулидир.

Бугунги кунда ОТТ платформаси орқали телеканаллар томонидан тайёрланган теледастурлардан ташқари, МТРК Архив фондида сақланаётган энг

сара ва нодир телемахсулотлар (миллий кинофильмлар, телесериаллар, новеллалар, илмий-оммабон хужжатли фильмлар, таниқли шахслар - адабиёт, маданият ва санъат, илм-фан ҳамда бошқа соҳаларда муваффақиятга эришган ҳамюртларимиз ва уларнинг юбилей ва тавалудд саналарига бағишланган фильмлар, муסיқий дастурлар, маънавий-маърифий телемахсулотлар жумладан, «Оталар сўзи-ақлнинг кўзи» ва бошқа телемахсулотлар) томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Дарвоқе, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан телевидение ва интернет тармоғини бирлаштириб, интеграция қилинган ОТТ платформасини кузатиш учун uztv.tv иловасини юклаб олиш ёки шунчаки кириб кўриш мумкин. Платформа орқали кўрсатувларни айна дамда кузатиш, кечаги ёки бир ой олдинги эфирни қайта кўриш каби кўплаб имкониятлар мавжуд.

Компаниянинг асосий устувор йўналишлари, яъни аҳолини, шунингдек чет эл жамоатчилигини Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётида рўй бераётган, ҳуқуқий демократик давлат ва очик фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳолининг таълим ва маданий савиясини ошириш, миллий анъаналарни, тарихий ва маънавий меросни сақлаб қолиш, фуқароларнинг онгида демократик қадриятларни шакллантириш, ёшлар ва ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини теле- ва радиодастурлар орқали аҳолига сифатли етказиш билан боғлиқ вазифалар телерадиоадастурлар орқали кенг кўламда таҳлилий равишда ёритиб борилмоқда.

Жумладан, 2021 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини 2021 йилда амалга оширишга оид «Ёшларни кўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар ижроси, видеоселектор йиғилишларда белгиланган вазифалар, Давлат раҳбарининг хорижий мамлакатларга ва ҳудудларга ташрифи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қарорлари, Ҳукумат қарорлари ижроси ҳамда Компания фаолияти билан боғлиқ кўплаб телерадиоадастурлар ва янги лойиҳалар тайёрланиб, уларнинг ижроси бўйича 415 та Ўзбекистон МТРК буйруқлари қабул қилинди.

Юртимизда олиб борилаётган ислохотларни холис ва адолатли ёритилишига эришиш мақсадида баҳс-мунозара ва таҳлилий жанрлардаги «Ислохотлар амалда», «Кўз ўнгимизда», «Махсус репортаж», «Муносабат», «Мунозара майдони», «Бунёдкорлик йўлида», «Хулоса ўзингиздан», «Парламент ҳаёти», «Янгиланаётган юрт», «Қонун доирасида» ва «Обод диёр» каби ўнлаб ток-шоу ва мушоҳада бой бўлган телелойиҳалар тайёрлаб борилди.

Шунингдек, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, маънавий-маърифий мавзуларни ёритиб бориш, экология ва табиатни асраб-авайлашга чорлаш, миллатлараро дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда таълим-тарбия ва китобхонлик мавзуларини кенг тарғиб этиш мақсадида «Муваффақият калити», «Start up club», «Миллий таълим», «Бағрикенг диёр», «Сиз эфирдасиз», «Ўзбекистон – умумий уйимиз», «Очик намойиш», «Репортёр», «Диёр

янгиликлари», «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи», «Воқеа жойи», «Жараён», «Эфирда биз», «Экспедиция», «Агротуризм», «Жонли эфирда», «Очиқ мулоқот», «Телетаҳлил», «Кўзгудаги Биз» каби қизиқарли дастурлар томошабинлар эътиборига ҳавола этиб борилди.

Айниқса, 2021 йилда юртимизда бўлиб ўтган энг муҳим сиёсий тадбир, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кенг ёритиб борилди.

Бу борада Ўзбекистон МТРК ўз фаолиятини Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик бўйича асосий тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида» 2021 йил 14 апрелдаги 1064-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича календарь режани тасдиқлаш тўғрисида» жорий йил 23 июлдаги 1084-сон қарорлари, шунингдек, жорий йилнинг 14 июль куни икки томонлама имзоланган ҳамкорлик Меморандумидан келиб чиқиб, ташкиллаштириб борди.

Ёритиш ишлари 3 босқичда, яъни 1-йўналиш - Сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар ҳақида тушунтириш бериш ва сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти, билим-малакасини ошириш, 2-йўналиш - Номзодларнинг сайловолди ташвиқоти ва 3-йўналиш - Сайловда овоз бериш ва ташкилий ишларни кенг ёритишга қаратилган ҳолда ташкил этиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёнларини сифатли ва талаб даражасида ёритилишини ташкил қилиш мақсадида МТРК тизимидан жами 535 нафар ходим (марказдан 361 нафар ходим, ҳудудлардан 174 нафар ходим) Марказий сайлов комиссиясида Аккредитациядан ўтказилди.

Жумладан, 2021 йил 14-20 октябрь кунлари давом этган Республикамизда ва Хорижий давлатларда тузилган сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш жараёнлари ҳам кенг ёритилди.

Масалан, 6 та хорижий мамлакатга (Жанубий Корея, Россия, Туркия, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон) юборилган ижодий гуруҳлар (17 нафар ходим) томонидан 70 дан ортиқ, Республика ҳудудларида ўтказилган муддатидан олдин овоз бериш жараёнлари ҳақида 80 дан ортиқ материаллар тайёрланиб, 400 марта эфирга узатишга эришилди.

Бундан ташқари, «Дунё» АА билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг чет эллардаги элчихоналари ва консулликлари орқали ҳам хориждаги фуқароларимизнинг муддатидан олдин овоз бериш ва сайлов куни овоз бериш жараёнларини кенг ёритишга катта эътибор қаратилди.

Масалан, 14 октябрдан бошлаб АҚШ, Хитой, Германия, Малайзия, Миср, Швеция, Индонезия, Словакия, Италия, Латвия, БАА, Ҳиндистон, Покистон, Финляндия, Венгрия, Греция, Исроил, Озарбойжон, Франция, Буюк Британия, Испания, Япония, Қувайт, Эрон, Бельгия, Туркменистон, Афғонистон, Австрия, Польша, Сингапур каби 30 дан ортиқ мамлакатлардан юборилган лавҳалар тўлиқ эфирга узатилди.

Булардан ташқари, ташвиқот даврида Сиёсий партиялар ва МТРК ўртасида имзоланган Меморандум талабларига кўра теледебатлар ҳам уюштирилди ва «Дебат-2021» рўқни билан (ўзбек, инглиз ва рус тилларида) намойиш этиб борилди.

Бир сўз билан айтганда, ижрога қаратилган ҳамда белгиланган вазифаларни телерадиоканаллар орқали кенг ёритиб бориш мақсадида 150 га яқин кўшма

режалар ва ички медиарежалар ишлаб чиқилди ҳамда турли вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ижроси таъминлаб борилди.

Бажарилган ишлар натижасида 2021 йил давомида тизимдаги теле ва радиоканаллар бир кеча кундузда ўртача 761 соат, йил давомида эса 277 минг 765 соатлик телерадиодастурлар эфирга узатилишига эришилди.

Ҳисобот даврида Компанияга келиб тушган 1426 та Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари, Фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, мажлис баёнлари, «Йўл харита»лари ва топшириқлари ижрога қабул қилиниб, белгиланган вазифалар ижроси кенг ёритиб борилди.

- ўтган йили Ўзбекистон МТРКнинг жами 39 та Ижодий кенгаши ўтказилиб, муҳокама ва кўриқдан ўтказилгач эфир талабига лойиқ деб топилган 224 дан ортиқ (*миллий телесериаллар, болалар учун фильмлар, хорижий телесериаллар ва бадий фильмлар*) фильмларни таржима ва дубляж қилган ҳолда эфирга узатишга эришилди.

- телерадиомахсулотлар сифатини ошириш ва такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбекконцерт» давлат муассасасининг Қўшма қарори асосида Телерадиоканалнинг Бадий кенгаши ҳақидаги намунавий низом ишлаб чиқилиб 2021 йилнинг март ойида тасдиқланди ҳамда барча марказий ва ҳудудий телерадиоканалларнинг янги такомиллаштирилган низоми ва бадий кенгашлар таркиби қайта ишланиб тасдиқланди.

- ўтган йил давомида Ўзбекистон МТРК турли вазирлик ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари Қўмитаси, Давлат хизматлари агентлиги, Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги ҳамда «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси билан ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланди.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида»ги 2020 йил 17 декабрдаги ПҚ-4926-сон Қарори ижроси юзасидан тизимда кенг қамровли ишлар олиб борилди ва телерадиоканаллар орқали ёритилиши таъминланди шунингдек, хориж давлатларига ҳам байрамни нишонлаш бўйича ижодий гуруҳлар юборилиб, турли мамлакатлардан репортажларнинг эфирга узатилиши таъминланди.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2020 йил 25 декабрь куни мамлакатимиз ёшлари билан видеоселектор тарзида ўтказилган Ўзбекистон ёшлари форумининг 100-сон баёни ижроси бўйича алоҳида режалар ва дастурлар билан йил давомида ёшлар сиёсати билан боғлиқ барча масалалар мутахассислар ва ёшлар иштирокида очиб берилди.

- Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2021 йил 19 январь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг видеоселектор тарзида

Ўтказилган мажлисининг 3-сон баёни ижроси юзасидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида маънавий-маърифий ишларнинг янги тизимини яратиш бўйича 2021 йил учун Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда «Йўл харитаси» ва иш режаси ишлаб чиқилиб, тегишли тадбирлар амалга оширилди.

Шунингдек, Компания тизимда йил давомида Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Абдулла Орипов ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган тадбирлар кенг ёритиб борилди.

- 8 март - Халқаро хотин-қизлар куни ва «Наврўз» умумхалқ байрамлари ҳамда буюк алломаларимиз Ҳазрат Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд топган кунлари телерадиодастурларда кенг ёритилиб, марказий телеканалларда марафон шаклида тўлақонли очиб берилди.

- «9 май - Хотира ва кадрлаш куни», «1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни», «27 июнь - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни» ҳамда Тошкент халқаро кинофестивали, 1 октябрь – «Ўқитувчи ва мураббийлар куни», Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўққиз йиллиги ва 3 декабрь – Халқаро ногиронлар кунига бағишланган тадбирлар телерадиоканалларнинг информацион дастурлари, кўрсатув ва эшиттиришлар, интервьюлар ва репортажларда ўз аксини топди.

Шунингдек, 2021 йилнинг 23 июлидан 8 августга қадар Токиода бўлиб ўтган ёзги олимпия ўйинларининг жонли трансляциялари тизимдаги «Sport», «Yoshlar», «Toshkent», «Dunyo bo'yulab», «Mahalla» телеканаллари орқали кенг ёритилиб, бевосита Токиодан репортаж ва трансляциялар эфирга узатилди.

- Футбол бўйича Ўзбекистон супер лигаси, Европа чемпионалар лигаси ва Европа лигаси ўйинлари эфир орқали тўғридан-тўғри трансляция қилиб борилди.

Ўтган йил давомида мамалакатимизда ўтказилган барча нуфузли халқаро тадбирлар, анжуманлар, форумлар, фестиваллар, турли хорижий делегацияларнинг ташрифи жараёнларидан интервьюлар ва репортажлар тайёрлаб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 12 июндаги 115-сон қарори билан белгиланган вазифалар асосида 2021 йилда ҳам МТРК тизимидаги «O'zbektelefilm» давлат муассаси томонидан босқичма-босқич ишлаб чиқарилаётган миллий сериаллар сафи бир қатор янги маҳсулотлар билан бойиди.

«Уч баҳор», «Дарахтлар кўшиғи», «Устоз», «Муҳаббат либослари-2», «Малак-2», «Жиноят жазосиз қолмайди» ва «Интиқом» номли миллий сериаллар шулар жумласидандир.

Булардан ташқари, 2021 йил Компания тизимидаги телерадиоканаллар буюртмаси асосида тайёрланган қатор миллий телесериаллар хориж давлатларида ўтказилган нуфузли фестиваллар ва кўрик танловларда Гран-при ва совриндорлар қаторидан жой олди. Жумладан, София шаҳрида ўтказилган «Славян эртаги» VIII халқаро кино-телефестивалида «Эзгулик ҳудуди» сериали Гран-При совринини кўлга киритди. «Чодирхаёл» номли «Арт-хаус» жанридаги қисқаметражли фильми ҳам фестивалда муносиб иштирок этди. «Зурриёт» телесериали ва «Чодирхаёл» бадий фильми фестивалнинг махсус дипломига лойиқ топилди.

2021 йилнинг сентябрь ойида Болгария кино, телевидение ва интернет коммуникация Академияси томонидан ўтказилган IX халқаро кино-телефестивалда «O'zbektelefilm» ДМ томонидан суратга олинган «Айдинлар» фильми «Энг яхши режиссёрлик иши» (М. Эркинов ва М.Қорабоев) йўналишида «Гран-при» совринини, шунингдек, ушбу фильм «Энг яхши операторлик иши»

(Р.Мирзакамоллов), «Кинофильмга басталанган энг яхши мусиқа» (А.Муинзода) ҳамда «Устоз» сериали «Сериалга ёзилган энг яхши сценарий» (Н. Эшонкул) йўналишларида голибликни қўлга киритди.

2021 йилнинг октябрь ойида Киев шаҳрида ўтказилган XXV Халқаро умумукраин телевизион кинофильмлар фестивалида «O'zbektelefilm» ДМ томонидан суратга олинган «Айдинлар» фильми «Энг яхши режиссёрлик иши» йўналишида голиб бўлди. Ушбу фестивалда «Метаморфоза» («Чодирхаёл») фильмининг бош қаҳрамони С.Парпиева «Энг яхши аёл роли» учун махсус мукофотга лойиқ кўрилди.

- 2021 йил давомида тизимдаги ҳудудий телерадиокомпанияларнинг моддий техника базасини такомиллаштириш, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилиб жумладан, Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси замонавий телевизион студия ва кўчма телевизион станция билан жиҳозланди.

Шунингдек, Хоразм вилояти телерадиокомпаниясини замонавий телевизион студия ва кўчма телевизион станция билан жиҳозлаш ишлар давом эттирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг вилоятларга ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган тегишли мажлис баёнларига мувофиқ, Жиззах ва Наманган вилоят телерадиокомпаниялари учун янгидан қуриб битказилган телевизион студияни зарур техник жиҳозлар (замонавий студия комплекси ва кўчма телевизион станция) билан таъминлаш учун Техник топшириқ ишлаб чиқилди.

Ижодий-техник ходимларнинг малакасини ошириш бўйича:

2021 йил давомида Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида ижодий, техник ва бошқа йўналишларда фаолият юритаётган 934 нафар ходимнинг малакаси оширилди. Улар дан 11 нафари хорижий давлатларда малака оширган.

2021 йилда Ўзбекистон МТРК марказий телерадиоканаллари ва ҳудудий телерадиокомпанияларидан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш марказида 46 нафар суҳандон ва бошловчи «Ўзбек адабий тили меъёрлари ва нутқ маданияти» бўйича ўқув курсида иштирок этиб, тегишли сертификатга эга бўлди.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги журналистлар учун 2021 йилда Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан масофавий шаклда (ZOOM дастури орқали) 5 марта ўқув-семинарлар ташкил этилиб, унда 112 нафар ижодий ходим иштирок этган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҳамда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида телерадио журналистлар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида «Сайлов жараёнларини ёритишнинг ўзига хос хусусиятлари» мавзусида семинар ва тренинглар ўтказилиб, 165 нафар масъул раҳбарлар ҳамда журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ташаббуси билан Хитой Халқ Республикаси Савдо вазирлиги ҳамкорлигида 2021 йил давомида «Бир макон, бир йўл» лойиҳасида иштирок этаётган мамлакатлар журналистлари, шу жумладан Ўзбекистон МТРК

журналистлари учун масофавий шаклда (ZOOM дастури орқали) 3 марта ўқув-семинар ташкил этилди ва унда 32 нафар ходим иштирок этди.

2021 йил давомида Ўзбекистон МТРК тизимидаги ходимлар учун АҚШнинг «Dennis Wholey Enterprises, Inc.» компанияси медиа-тренери иштирокида Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги марказий телерадиоканалларнинг масъул раҳбарлари ва ходимлари учун анъанавий шаклда ҳудудий телерадиокомпанияларнинг масъул раҳбарлари ҳамда ходимлари учун масофавий шаклда (ZOOM дастури орқали) ўқув-амалий машғулотлар ташкил қилиниб, унда 95 нафар ходимлар иштирок этган.

Шунингдек, АҚШнинг Глобал медиа агентлиги томонидан тегишли хорижий мутахассислар иштирокида Тошкент ва Фарғона шаҳарларида ташкил этилган ўқув-семинарларда Ўзбекистон МТРКдан 18 нафар журналист иштирок этган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Адлия вазирлиги томонидан «Оммавий ахборот воситалари фаолияти самарадорлигини оширишда замонавий медиа трендлар» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилиб, унда 16 нафар ходим иштирок этди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги «O'zbekiston MTRK Mediamarkazi» давлат муассасасининг 7 нафар телеоператори ва муҳандиси учувчисиз учуш қурилмаларини (дронларни) бошқариш бўйича ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг «Geoinnovatsiya markazi» давлат унитар корхонасида малака ошириши таъминланди ва тегишли сертификатга эга бўлди.

Ўзбекистон МТРК марказий аппарати ҳамда тизимидаги барча давлат муассасаларининг меҳнат муҳофазаси бўйича масъул бўлган 27 нафар ходимлари малака ошириш курсларини тамомлаб, сертификатга эга бўлди. Шу билан бирга Ўзбекистон МТРК ходимларини меҳнат муҳофазаси бўйича билимларини синовдан ўтказиш бўйича Доимий фаолият кўрсатувчи комиссия аъзоларининг 5 нафари малака ошириш курсини яқунлаб, гувоҳномга эга бўлди.

2021 йил давомида Ўзбекистон МТРК тизимидаги ҳудудий телерадиокомпанияларда фаолият юритаётган 411 нафар ходимнинг малакаси оширилди.

Жумладан, ҳудудий телерадиокомпанияларда эфирга узатилаётган телерадиодастурларни такомиллаштириш, янгиликлар дастурларини тезкор эфирга узатилишини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Фарғона, Андижон ва Наманган вилояти телерадиокомпанияларининг ижодий ҳамда техник ходимлари учун марказий телерадиоканаллардан тажрибали мутахассислар жалб этилган ҳолда ўқув-амалий машғулотлар ташкил этилди.

Натижада жойлар амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самаралари ҳақида ҳудудий телерадиокомпаниялар томонидан тайёрланиб марказий телерадиоканалларда эфирга узатилаётган телерадиодастурлар сони кескин ошди. Шу билан бирга, Авивест қурилмаси орқали жонли репортажлар эфирга узатиш йўлга қўйилди.

Энг муҳими, ҳудуддарда ёш ва иқтидорли журналистларнинг янги авлоди етишиб чиқиши ва уларнинг ўз салоҳиятларини намоён қилиш учун кенг имконият яратилди.

2021 йил давомида Компания тизимидаги «Oqrosh pansionati» томонидан ходимларни кўллаб-қувватлаш, уларнинг соғлигини тиклаш ва мустаҳкамлаш ҳамда намунали тиббий хизмат кўрсатиш борасидаги амалий чора-тадбирлари натижасида пансионатда жами 1694 нафар ижодий ва техник ходимлар, уларнинг оила аъзолари ва кексалар маданий ҳордиқ чиқариб, ўз соғлиқларини тиклашди.

Шунингдек, «MTRK poliklinikasi»нинг малакали шифокорлари томонидан 2021 йил давомида ходимларнинг соғлигини тиклаш мақсадида жами 3171 нафар ходимлар тиббий кўрикдан ўтказилди ҳамда касалликлар бўйича 12292 марта қилинган мурожаатларга мувофиқ тиббий хизмат кўрсатилди.

01.03.2022